КУТУБХОНАСИ

2009 ЙИЛ 5 МАРТ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 45 (11.356) Баҳоси эркин нархда

**ПОЙТАХТНИНГ бир куни**

*Янгиликлар, воқеалар*

*«Ташаббус — 2009»*

## РАҒБАТГА САЗОВОР БЎЛИШДИ

**АЙНИ КУНЛАРДА ПОЙТАХТИМИЗ ТУМАНЛАРИДА ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ТАШАББУС — 2009» КЎРИК-ТАНЛОВЛАРИ ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ. САРАЛАРНИНГ САРАСИ ИШТИРОК ЭТАЁТГАН МАЗКУР АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВ КЕЧА ШАҲРИМИЗДАГИ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДА ҲАМ БЎЛИБ ЎТДИ.**





Тумандаги муҳташам «Шарқ» гузарида ташкил этилган кўрик-танловда миллий анъаналаримизга кўра иштирокчи ва томошабинлар карнай-сурнай садолари билан қарши олинди. Тадбирни кириш сўзи билан очган туман ҳокими Бахтиёр Ҳакимов мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор самараси тадбиркорлар сафи ортаётганида, улар томонидан тайёрланаётган рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи товарлар ички бозорда ўрнини топаётганида яққол кўринаётганини таъкидлади. Туманда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида, тадбиркор ва ҳунармандларнинг ютуқлари, бугунги кўрик-танловнинг аҳамияти хусусида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шавкат Мирзаев барча иштирокчиларга омад тилаб, уларнинг пойтахт иқтисодиётига қўшаётган ҳиссалари янада салмоқли бўлишини тилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жорий йилда кўрик-танловнинг туман босқичида 7 нафар тадбиркор ҳамда 13 нафар ҳунарманд ўзаро беллашишди. Уларга белгиланган ҳар бир шарт бўйича ҳайъат аъзолари баҳо бериб боришди. Албатта, мазкур кўрик-танловда ташкил этилган тадбиркор ва ҳунармандларнинг маҳсулотлари кўргазмаси барчани ўзига жалб этди. Тадбиркорларнинг сифатли, бозор талаблари даражасидаги маҳсулотлари, ҳунари гўзалларнинг изланишлари, маҳоратлари далолати бўлган ҳунармандчилик буюмлари кўргазма жозибасини оширган. Улар орасида мебель турлари, гилам ва чарм маҳсулотлари, қандолатчилик товарлари, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, бешиксозлик, сандиқсозлик, наққошлик, миниатюра, миллий либос, чинни маҳсулотлари сифати, ранг-баранглиги билан ажралиб турибди. Чиндан ҳам айтиш лозимки туманда қўли гул ҳунармандлар кўпчиликни ташкил этади. Бугунги танловда ҳам уларнинг салмоғи яққол кўзга ташланиб турди.

— Туманимизда 3000 нафардан зиёд тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси С.Раҳимов тумани Ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Адиба Каримова. — Шулардан 563 нафари 2008 йилда ўз фаолиятини бошлаб, тадбиркорларимиз сафини сон ва сифат жиҳатидан бойитди. Шу асосда жуда кўплаб касаначи ишчи ўринлари яратилганини ҳам айтишим керак. Бу йилги «Ташаббус»ни ўзига хос руҳда ўтказишга ҳаракат қилдик. Иштирокчиларимиз, айниқса ҳунармандларимиз сафи кенгайди. Беллашувга холис баҳони, аввало ҳайъат аъзолари, шунинг баробарида ташриф буюрган томошабинлар беришади. Лекин таълабгорлар орасидан танлаб олинган иштирокчиларимизнинг барчаси рағбатга лойиқ ва албатта омад интилганга кулиб боқади.

Ҳайъат аъзолари ҳар бир шарт бўйича балларни ҳисоблаб ҳамда кўргазмаларни томоша қилиб, иштирокчилар билан фаолиятлари ҳақида мулоқотда бўлиб тантанали тақдирлаш маросимида ғолибларни эълон қилишди. Олқишлар остида танловнинг 1-ўрин соҳиблари диплом ва қимматбаҳо совғаларни қабул қилишди. «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича «Эътиқод» хусусий фирмаси раҳбари Абдуғани Қосимов, «Энг яхши ҳунарманд» йўналишида эса Файзулла Юсупхўжаев ғолиб деб топилиб, танловнинг шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Тадбиркорлар орасида 2-ўрин «Тошкент манифактура» хусусий корхонаси раҳбари Баҳром Аҳмеджоновга, 3-ўрин эса «Қайс гилам Муҳаммад» масъулияти чекланган жамияти директори Абдулқаюм Исроиловга насиб этди. Ҳунармандлардан каштачи Мадина Қосимбоева иккинчи ва гиламдўз Феруза Эргашева учинчи ўрин эгалари бўлишди.

Шунингдек, «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг ёш ҳунарманд», «Энг мурувватли тадбиркор», «Энг яхши кўргазма учун» номинацияси ғолиблари ҳам аниқланди. Барча ғолиб ва иштирокчиларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Албатта, рақобат бор жойда ривожланиш бўлади, — дейди 1- ўрин соҳиби, «Эътиқод» хусусий фирмаси раҳбари Абдуғани Қосимов. — Ҳозирда юртимизда мебелсозлик корхоналари жуда кўп. Шу боис ҳам биз замонавий техникадан фойдаланиб, илғор технологияларни қўллаган ҳолда импорт ўрнини босувчи мебел турларини яратаяпмиз. Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус»да иштирок этиш ва ғолиб бўлиш, албатта шараф, шу билан бирга бизга билдирилган катта ишонч. Шубҳасиз, ушбу рағбат бизни янада улкан муваффақиятларга ундайди.

Кўтаринки руҳда ўтган кўрик-танлов яхши ташаббусларни юзага чиқариши, янги номларни кашф этишига ишонамиз. Чунки ташаббус ҳеч қачон сўнмайди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Ташаббус-2009» танловининг Собир Раҳимов туман босқичидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА ВА ШАРҲЛАНМОҚДА.**

**ЯҚИНДА ҚИРҒИЗИСТОННИНГ «ААЛАМ» ГАЗЕТАСИ «ҚИРҒИЗПАТЕНТ» ДАВЛАТ ПАТЕНТ ХИЗМАТИ СТАТС-СЕКРЕТАРИ, ИҚТИСОД ФАНЛАРИ НОМЗОДИ КАЛНУР ОРМУШЕВ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАЪРУЗАСИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛГАН СУҲБАТНИ ЧОП ЭТДИ.**

## «ААЛАМ» газетаси:

## «ИСЛОМ КАРИМОВ — БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ШУБҲАСИЗ, ЮКСАК ҚОБИЛИЯТЛИ МЕНЕЖЕР»

«Ўзбекистонда иқтисодиёт минтақадаги қўшни давлатлардагига қараганда оқилона, оптимал тарзда ташкил этилган ва бир маромда ривожланиб бормоқда. Ўтган йили бизнинг вазиримиз А. Жапаров (Қирғизистон иқтисодий тараққиёт ва савдо вазири – таҳр. изоҳи) иқтисодиётнинг кластер тизимларини шакллантириш ғоясини илгари сурганди. Ўзбекистонда эса бизнинг бу орзумиз аллақачон амалда фаолият кўрсатмоқда. Яъни, ҳар бир ишлаб чиқариш цикли учун хомашё тайёрлаш, унга ишлов бериш ва қайта ишлашдан тортиб, маҳсулотни бозорга олиб чиқишгача бўлган жараён – бунинг учун техника ва технологияларни яратиш ҳамда кадрлар тайёрлашгача бўлган комплекс тарзда ташкил этилган тизимлар ишлаб келмоқда. Мисол учун мамлакат учун анъанавий пахтачилик соҳасини олинг. Зарурий ирригация иншоотлари ва ўғитлар билан ишлов берилган пахта далаларида ўз ишининг устаси бўлган, малакали деҳқонлар маҳаллий олимлар томонидан яратилган пахта навларини экиб-ўстиради. Уларнинг юксак механизациялашган меҳнатини маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган юқори сифатли қишлоқ хўжалиги техникалари янада енгиллаштиради. Пахта хомашёси эса мамлакатнинг йигирув, тўқимачилик ва тикувчилик фабрикаларида меҳнат қилаётган, хорижий эмас, Ўзбекистон олий ўқув юртлари ва коллежларидан етишиб чиққан мутахассис ва инженерлар томонидан қайта ишланади. Мана сизга ҳақиқий кластер тизимининг бир соҳадаги кўриниши!

Шунингдек, Ўзбекистон 2008 йилда иқтисодиётнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатиши, балки, юқори суръатда, изчил ўсишини ҳам таъминлай олганига ўқувчилар эътиборини қаратишни истардим.

Мамлакат ялпи ички маҳсулоти 109 фоизга, саноати эса 112,7 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 104,5 фоизни ташкил этиб, 3 миллион 410 минг тонна пахта хомашёси, 6 миллион 330 минг тонна ғалла, шу жумладан 6 миллион 145 минг тонна буғдой етиштирилди. Давлат бюджети ортиғи билан бажарилиб, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицитга эришилди.

Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляцияни кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,8 фоиз даражасида сақлаб қолинди.

Ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошди. Натижада ўтган йили ўртача иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларидан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

**(Давоми 2-бетда).**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

• **КЕЧА** Миробод туманидаги 204-мактабда яқинлашиб келаётган Наврўз айёмига бағишлаб Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйи қошидаги «Мелодия» камер хор жамоаси томонидан концерт дастури намойиш этилди.

• **БУГУН** Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида уюштирилган матбуот конференцияси «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш- олий қадрият» деб номланди.

• **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Махсус энергогаз» корхонасида Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман бўлимлари ҳамкорликларида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир «Таъзимдаман сенга, она Тошкентим» деб номланди.

• **БУГУН** Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан тумандаги маданият уйлари бадиий ҳаваскорлик жамоалари раҳбарлари, қатнашчилари, тўгараклар, курслар аъзолари иштирокида ўтказилган тадбир тобора яқинлашиб келаётган умумхалқ байрами — Наврўзи оламни кутиб олишга тайёргарлик кўриш масаласига бағишланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**4 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЖЛИСНИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ Д.ТОШМУҲАМЕДОВА ОЛИБ БОРДИ. ДЕПУТАТЛАР ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ЭТИЛГАН КУН ТАРТИБИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР.**

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Эрдонаев «Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасида коллекторлик ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш тартиби, шунингдек, кредиторнинг, қарздорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, коллекторлик ташкилотларининг фаолиятини таъминловчи бошқа нормалар белгиланган.

Савол-жавоблардан кейин ҳужжат моддама-модда муҳокама этилиб, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш мақсадида киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар ва масъул қўмитага уни учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширдилар.

«Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Эрдонаев тақдим этди. Қонун лойиҳаси батафсил муҳокама қилинганидан кейин депутатлар уни иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

**(Давоми 2-бетда).**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида «Иқтисодий ислоҳотлар йўлида» мавзуида бўлиб ўтган йиғилишда мутахассислар иштирокчиларга микрофирма, кичик корхоналар, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ягона солиқ тўлови туширилгани ҳақида маълумот бериши баробарида уларни соҳадаги янгиликлар билан ҳам таништиришди.**

• **«Жарқўрғоннефтқайтаишлаш» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси жамоаси қурилиш маҳсулотлари турини босқичма-босқич кўпайтириб бораётир. Жумладан, яқинда корхонада эмульсия ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бир кеча кундузда тайёрланаётган 30 тонна шундай маҳсулотнинг муайян қисми хорижга экспорт қилинмоқда.**

• **Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ахборот-ресурс марказида 2008 йилда нашрдан чиққан 200 дан ортиқ илмий адабиётлар кўргазмаси ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, марказга келтирилган бу янги китоблар турли мавзуларда тадқиқотлар олиб бораётган талаба ва магистрлар учун ниҳоятда фойдалидир.**

• **«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими томонидан Халқаро хотин-қизлар байрами ва Наврўз айёмига бағишланган мурувват тадбири ўтказилди. Кам таъминланган оилалар аъзолари, тиббиёт-патронаж хизматидан фойдаланиб келаётган болалар ва ногиронлар иштирок этган мазкур тадбирда акция қатнашчиларига меҳр-саховат совғалари топширилди.**

• **Навоий вилоятида Ўзбекистон қоракўлчилари қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда асосий эътибор қоракўлчилик соҳасидаги муаммоларга қаратилди, аграр секторининг ушбу муҳим тармоғини келгусида янада ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.**

• **Марҳамат туманидаги Қорақўрғон қишлоғида жун рўмоллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Қорақўрғон рўмоллари» унитар корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Корхонага Қорақўрғон ва Бозорбоши маҳаллаларидан 50 киши ишга жойлаштирилган бўлиб, улар уйларида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланмоқдалар. Корхона эса касаначиларни жун ва тайёр маҳсулот чиқариш учун лозим бўлган бошқа материаллар билан таъминламоқда.**

• **Тошкент вилоятида бўлиб ўтган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг ҳудудий босқичида Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Ўрта Чирчиқ, Оҳангарон туманлари мактаблари жамоалари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

• **Гвинея-Бисау парламенти спикери Раймундо Ферейра мамлакатнинг янги президенти сифатида қасамёд қабул қилди. У яқин фурсат давомида давлатни бошқариш ишларини амалга оширади. Амалдаги президент Жуан Виейра исёнчилар томонидан ўлдирилганидан сўнг шундай тўхтамга келишга қарор қилинди.**

• **Швейцария элчихоналари қошидаги Россия ва Грузия секциялари ўз фаолиятини бошлади ва визаларни беришга киришди.**

• **Литва Конституцион суди атом электр станцияларини қуриш юзасидан лойиҳаларни тайёрлаш билан шуғулланадиган LEO LTD компаниясини ташкил этишда мамлакатнинг асосий қонуни бузилган деган хулосага келди.**

• **Гаагадаги халқаро жиноий суд амалиётида илк бор фаолият кўрсатиб турган давлат раҳбарини қамаш учун ордер берилди. Бундай усул инсониятга қарши жиноятларда айбланаётган Судан президенти Омар ал Баширга нисбатан қўлланилди. Судан президенти Дарфур музофотидаги 10 минглаб кишиларнинг ўлимида айбланмоқда.**

• **Россиянинг 25 та энг йирик шаҳарларида грипп эпидемияси авжига чиқди. Жойларда эпидемия муносабати билан мактабларда ўқиш вақтинча тўхтатилмоқда. Хусусан, Волгоград областидаги мактабларда 10 мартга қадар ўқиш бекор қилинди.**

• **19-Халқаро космик станциясининг экипажи таркиби бугун аниқланади.**

• **Швейцариянинг Женева шаҳрида нуфузли халқаро автосалон ўз ишини бошлади. «Экология ва тежамкорлик» шиори остида ўтаётган автосалонга жаҳондаги етакчи ишлаб чиқариш компаниялари томонидан 130 та янги автомашина тақдим этилган. Автосалонда бир кунда ёнилғи учун 1 евро миқдоридаги маблағ сарфлайдиган «Опел амперра» электромобили мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.**

• **Кёльн шаҳрида шаҳар архиви биносининг қулаб тушиши натижасида уч киши бедарак йўқолган.**

• **Молиявий инқироз туфайли Германия, Франция ва Италиянинг иқтисодий аҳволи тобора ёмонлашмоқда. Хусусан, ўтган йили Германияда ялпи ички маҳсулотнинг 2,1 фоиз қисқаргани мамлакат учун тарихий рекорд бўлди.**

«ААЛАМ» газетаси:

# «ИСЛОМ КАРИМОВ — БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ШУБҲАСИЗ, ЮКСАК ҚОБИЛИЯТЛИ МЕНЕЖЕР»

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Ушбу ижобий натижаларга 2008 йилда юзага келган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозидан дунёдаги деярли барча мамлакатлар иқтисодиёти қийналиб турган бир шароитда эришилди.

Шу билан бирга, айни пайтда инқироз миқёси кўплаб ривожланган ва ривожланаётган давлатларда кенгайиб, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши, ишсизликнинг ортиши, аҳоли турмуш даражасининг тушиб кетишига сабаб бўлмоқда ва унинг яна қандай давом этишини башорат қилиш мушкул.

Жаҳон молиявий инқирози дунё хўжалик ва молия-иқтисодий тармоқлари билан чуқур интеграциялашган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бироқ инқирознинг Ўзбекистонга бўлган таъсири унинг, айтайлик, асосини хомашё ресурслари экспорти ташкил қиладиган Қозоғистон иқтисодиётига бўлган таъсиридан катта фарқ қилади. Ўзбекистон экспортида тайёр, рақобатдош маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиши ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиши кузатилмоқда. 2008 йилдаги умумий экспорт ҳажмида хомашё бўлмаган маҳсулот улуши 71 фоиздан ошди. Айнан шунинг учун ташқи бозорда конъюнктуранинг ёмонлашганига қарамай, Ўзбекистоннинг 2008 йилдаги ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошди, айни пайтда товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортди. Бунинг натижасида ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо ҳажми сезиларли даражада ўсиб, бу, ўз навбатида, тўлов балансининг ишончлилиги ва иқтисодиёт барқарорлигининг энг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, нафақат Ўзбекистон иқтисодиётининг юксалаётган салоҳият ва имкониятларидан далолат беради, балки экспортнинг хомашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Маърузада Ўзбекистон учун анъанавий экспорт хомашёси бўлган пахта толасининг улуши 2003 йилдаги 20 фоиздан 2008 йилда 12 фоизга тушгани таъкидланган. Бу эса пахта толасининг ана ўша 8 фоизи мамлакат қайта ишлаш саноатига йўналтирилганидан далолат беради. Бундан нафақат пахта етиштирувчиларнинг, балки енгил саноат корхоналари ходимларининг ҳам даромадлари кўпайди.

Инқироз – иқтисодий касаллик, дегани. Шу боис, унга аввало, иқтисодий организми нимжон давлатлар дучор бўлади. Ўзбекистон эса ўз иқтисодий организмининг инқирозга қарши тура олишини таъминлай билди. У инқироздан иқтисодиёти кучсиз мамлакатларга қараганда камроқ йўқотишлар билан чиқиши шубҳасиз.

Марказий Осиё маконида Ислом Каримов нафақат буюк давлат арбоби, балки, шубҳасиз, юксак қобилиятли менежер ҳамдир. Унинг салоҳияти совет давридаёқ намоён бўлганди. Ўшанда у нисбатан ёш бўлишига қарамай собиқ иттифоқдаги етакчи республикалардан бирининг Режалаштириш қўмитасига раис бўлди. Кейинчалик эса, Фарғона воқеалари, гдлян-ивановчиларнинг бутун иттифоққа шов-шув бўлаётган ишларидан кейин ва энг асосийси, СССР парчаланаётган ва мустақил Ўзбекистон Республикаси ташкил этилаётган бир пайтда у мамлакат раҳбарига айланди. Мана, қарийб йигирма йилдирки, Ўзбекистон ўз Президенти раҳбарлигида ишонч билан одимламоқда, зафар кетидан зафар қучмоқда. Мамлакатни муваффақиятли бошқариб келаётган бундай давлат етакчисига шон-шарафлар бўлсин!

Фикрларимни тасдиқлайдиган яна бир жиҳат бор. Ислом Каримов ўз маърузасида «2000 йилда биз аниқ белгилаб олган ислоҳот ва янгиланишлар йўналиши бугун ҳам ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаган, кейинги йилларда ҳам йўқотмайди. Нега деганда, биз иқтисодиётимиз ва мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги рақобатдошлигини айнан ана шу ўта муҳим, ўзак вазифани бажариш орқалигина таъминлай оламиз», дея таъкидлаган. Ушбу фикрни умумий қўшнимиз Қозоғистоннинг дунёдаги 50 та энг ривожланган давлат сафига киришни мақсад қилгани тўғрисидаги баландпарвоз баёноти билан солиштириб кўрайлик.

Бу ерда иқтисодий ривожланишдан мақсад наҳотки қайсидир мамлакатнинг ўнталик, йигирматалик ёки элликталик рўйхатига киришида, ёхуд қандайдир нуфузли гуруҳ аъзосига айланишида бўлса? Мамлакат тараққиёти вазифасини бу қадар юзаки белгилашни мен давлат миқёсидаги калондимоғлик, деб атаган бўлардим.

Кимдир янги пойтахт, бошқа бири янги автомобиль заводи қуради. Менимча, бу икки ёндашувнинг асосий фарқи шундоқ ҳам кўриниб турибди. Мен вазифаларни «Америкага етмоқ ва ундан ўзмоқ» каби совет даврига хос шиорлар руҳида белгилаш – режалаштириш ва бошқаришнинг мақбул усули эмас, деб ҳисоблайман. Ислом Каримов муаммога профессионал менежер сифатида ёндашади. Унинг фикрлари баландпарвоз эмас, бироқ прагматик, иқтисодчи нуқтаи назаридан қараганда эса, аниқ ва ихчам. Айнан, "иқтисодиёт ва мамлакатнинг жаҳон майдонидаги рақобатдошлиги давлатларнинг етакчи бўлишига имкон яратади".

Ўзбекистон бугунги кунда стратегик вазифаларни ҳал этмоқда, самолётлар, автомобиллар ишлаб чиқармоқда, ишлаб чиқаришни жадал тарзда модернизация қилмоқда, замонавий, янги технологияларни ўзлаштирмоқда. Ўйлайманки, биз қардош Ўзбекистондан кўп нарса ўргансак бўлади ва албатта, у билан янада яқинроқ бўлишга интилишимиз керак. Бизнинг илдизларимиз, динимиз ва қисматимиз ҳам бир».

**«Аалам» газетаси,**
**№ 13, 2009 йил 24 февраль,**
**Бишкек**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Абдуллаеванинг маърузаси бўйича Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, шу жумладан, 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қоидаларини рўёбга чиқаришга қаратилган. «Банкротлик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни янада такомиллаштириш банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини банклар мулк сифатида олиши, кейинчалик уларни бақувват инвесторларга реализация қилиши имкониятини беради. Амалдаги қонунларга тузатишлар жаҳон молия бозорларида юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг реал секторини қўллаб-қувватлаш мақсадида киритилмоқда.

Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, депутатлар Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилади.

Депутатлар сиёсий партияларнинг 2008 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги партиялар ҳисоботларини эшитдилар. Мазкур масала юзасидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси М.Тешабоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси Л.Ғуломов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Турсунов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси И.Саифназаров сўзга чиқдилар.

Сиёсий партияларнинг ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида кўриб чиқилди.

Ҳисоботларни муҳокама қилиш пайтида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун кучга кирганлиги муносабати билан сиёсий партияларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги депутатлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Қонунчилик палатаси сиёсий партияларнинг 2008 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

**(ЎзА)**

*8 март — Халқаро хотин-қизлар куни*

# БАХТЛИ БЎЛИШ УЧУН ЯРАЛГАН АЁЛ

**АЁЛГА БАХТ БЕРИНГ, САОДАТ БЕРИНГ.БАХТЛИ БЎЛИШ УЧУН ЯРАЛГАН АЁЛ. ДАРҲАҚИҚАТ, АЁЛЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТДА БАХТЛИ ВА ФАРОВОН ТУРМУШ КЕЧИРИШЛАРИ, ОҚИЛ ВА КОМИЛ ФАРЗАНДЛАРНИ ТАРБИЯЛАБ ВОЯГА ЕТКАЗИШЛАРИ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН.**

Баҳор ва Хотин-қизлар байрами арафасида Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрида бўлиб ўтган тадбир ҳам «Бахтли бўлиш учун яралган аёл» деб номланди. Шу куни Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг Тараққиёт дастури (UNDP) ва UNFPA, БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси томонидан тайёрланган «Бахтли бўлиш учун яралган аёл» ахборот кампанияси тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур тадбир ижтимоий роликлар намойишидан иборат бўлиб, унда давлат идоралари, БМТ агентликлари ва бошқа халқаро ташкилотлар, хусусий сектор вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маърупова сўзга чиқиб баҳор айёми ва Халқаро хотин-қизлар байрами билан мўътабар ва азиз онахонлар, аёллар, опа-сингилларни муборакбод этар экан, бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётида хотин-қизларнинг тутган ўрни ва роли, уларнинг ҳар бир соҳада фаол иштироки ҳақида фахрланиб гапирди. Шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам сўз олиб, ўзбек аёлининг меҳр-муҳаббати, оилага садоқати, фарзандлари тарбиясига масъулият билан қарашларини эътироф этдилар. Тадбирда аҳолининг барча қатлами дунёқарашларини эътиборга олган мазкур медиакампания таълим олиш ва касб-ҳунар эгаллаш, қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш, оилада фарзандларни бирга тарбиялаш, одам савдоси ҳамда инсон шаъни ва қадр-қиммати топталишининг олдини олишга оид мавзуларни ТВ ва радио учун ижтимоий роликлар туркуми, плакат ва рисолалар воситасида очиб берди. Шунингдек, кампания ташкилотчилари замонавий Ўзбекистон аёли ва XXI аср оиласининг тимсолини яратишга ҳаракат қилдилар.

— Жамиятда аёллар ўрнининг кучайтирилиши — тараққиёт ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларнинг камайишига асосдир. Жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаётган аёллар оила ва умуман миллат саломатлиги ва самарадорлиги ҳамда авлодлар келажагининг порлоқ бўлишида катта ҳисса қўшаётирлар. Гендер тенглигининг яна бир муҳим жиҳати — унинг минг йиллик ривожланиш мақсадларининг асосий қисми эканлигидадир, — дея эътироф этди БМТ тизимининг Ўзбекистондаги доимий вакиласи Анита Ниродо хоним. — Олдинги лойиҳаларимиз ва мазкур медиа-кампания муваффақиятига асосланиб, ушбу масала мавзуини кенг ёритиш ва гендер масаласи юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантиришда бундан буён ҳам асосий шерикларимиз ва муҳими, ОАВ билан ҳамкорликни давом эттиришга умид қиламиз.



Тадбир иштирокчиларига аҳолининг турли гуруҳлари орасида тарқатишга мўлжалланган ҳамда кампания ғояларини тарғиб этувчи аудио, визуал ва босма материаллардан иборат ахборот комплектлари тақдим этилди. Таниқли хонанда Севара Назархон ижросидаги аёлларни мадҳ этувчи қўшиқлар ҳамда Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри томонидан саҳналаштирилган «Жайдари келин» спектаклидан ижро этилган лавҳалар тадбирга ўзгача мазмун ва файз киритди.



**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**
**Алексей Попов олган суратлар.**







*Танловлар*

# ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНДИ

**БУГУНГИ КУНДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА КАТТА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ЁШЛАРНИНГ ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОДИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИГА ҲИССА ҚЎШИШ МАҚСАДИДА ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРДА ТАНЛОВЛАР, ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ, КЎРГАЗМА ВА АНЖУМАНЛАР МУНТАЗАМ ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.**

Жумладан республикамизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида бу йил илк маротаба касб- ҳунар коллежларининг битирувчи курс ўқувчилари ўртасида «Касб маҳорати» танловини ўтказиш йўлга қўйилди. Яқинда Тошкент радиотехника ва автоматика касб- ҳунар коллежида «Радиотехника ва телеаппаратураларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш», «Маиший хизмат машина ва асбобларини таъмирлаш» йўналишлари бўйича «Касб маҳорати» танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди.

Ўқувчиларнинг билим савияси ва малака кўникмаларини назарий ва амалий жиҳатдан синаб кўришга қаратилган ушбу танловда иккинчи босқич натижалари бўйича юқори кўрсаткичларга эришиб, ҳудуд танловида ғолиб чиққан 12 нафар ўқувчилар ўзаро беллашдилар.

— Ушбу танловни ўтказишдан асосий мақсад касб- ҳунар коллежларида билим олиш билан бирга турли йўналишлар бўйича касб- ҳунар сирларини ўрганаётган иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларни саралаш, уларнинг касб маҳоратларини ошириш, таълим муассасаларининг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, шу билан бирга касб- ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришдир, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи директори Абдурасул Зокиров. — Шунинг учун ҳам ушбу танловга турли корхона ва ташкилотлардан вакилларни таклиф этганмиз, токи улар ўқувчи- ёшларнинг махсус касбий, назарий билимлари қай даражада эканлигини кўриб баҳо берсинлар, ўқишни тамомлаганларидан кейин иккиланмасдан ишга қабул қилсинлар.

Ушбу танловда иштирок этиб қатнашчиларнинг ўз касбига ниҳоятда қизиқиши ва масъулият билан ёндошаётганининг гувоҳи бўлдик. Демак таълим- тарбияга, касб-ҳунар ўргатишга қаратилган эътибор бесамар кетмай, унинг илк ижобий натижалари кўзга ташланмоқда.

Ниҳоят танловда энг юқори балл тўплаган Маиший хизмат кўрсатиш касб- ҳунар коллежи ўқувчиси Жамшид Қаҳҳоров ғолиблик шоҳсупасини забт этиб махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига ҳам дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Тошкент радиотехника ва автоматика касб- ҳунар коллежида бўлиб ўтган танловдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

# «СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ»

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ СПОРТ МАЖМУАСИДА ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА «СОҒЛОМ АЁЛ – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ» ШИОРИ ОСТИДА СПОРТ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Адлия, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизлар спортнинг волейбол, стритбол, гимнастрада, стол тенниси, бадминтон тури бўйича ўзаро куч синашди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёллар ва оилавий спортни янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан спорт фестиваллари, турли касб эгалари ўртасида мусобақалар, талаба, ўқувчи қизлар турнирлари, оилавий спорт беллашувлари ўтказилмоқда. Қўмита қошида ташкил этилган «Аёл ва спорт» комиссияси юртимизнинг барча ҳудудларидаги маҳаллаларда яшовчи хотин-қизлар, оддий уй бекаларини оммавий спортга жалб этиш, спортнинг муайян турлари бўйича аёл мураббийларни тайёрлаш юзасидан кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда турли вазирлик ва идоралар ходимлари ўртасида спорт мусобақалари, турнирлар, беллашувлар ўтказилмоқда, тенгқурларига ибрат бўлаётган спортчи қизлар билан таълим масканлари, маҳаллаларда учрашувлар ташкил этилмоқда.

«Соғлом аёл – соғлом жамият» шиори остида ўтказилган ушбу мусобақа якунига кўра, бадминтон ва волейбол бўйича Мудофаа вазирлиги, стритбол ва стол тенниси бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, гимнастрада бўйича Адлия вазирлигининг спортчи қизлар жамоалари ғолиб деб топилди. Умумжамоа ҳисобида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Мудофаа вазирлиги вакиллари биринчи ўринни эгаллади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Олий ўқув юртларида*

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

**ТДЮИ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ КУРСЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ ВА БОШҚА ШАФҚАТСИЗ, ҒАЙРИИНСОНИЙ ЁКИ ҚАДР–ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ МУОМАЛА ҲАМДА ЖАЗО ТУРЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК» МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий Суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ўзбекистон Республикаси жазони ижро этиш Бош бошқармаси, Оммавий ахборот воситалари, Тошкент давлат юридик институти кафедралари ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманда ТДЮИ "Жиноят ҳуқуқи ва криминология" кафедраси мудири, юридик фанлари доктори Б.Аҳроров "Жиноят қонунида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр–қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун жавобгарлик масалалари", Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари профессори, юридик фанлари доктори Б.Пўлатов "Қийноққа солганлик учун жавобгарлик масалалари", Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИББ бошлиғи ўринбосари Э.Бобоқулов "Жиноий жазоларни ижро этиш жойларида қонунларга риоя этиш масалалари" мавзуларида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Д.Камилов ҳам ўз маърузаларида жиноят процессида, жазоларни ижро этиш жойларида маҳкумларга бўлаётган муносабат, уларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр–қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларининг олдини олиш масалалари юзасидан фикрларини баён этишди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва унга киритилган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар борасида, халқаро конвенцияларнинг, жумладан, 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган "Қийноқ ҳамда муомала ва жазоланишнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши" Конвенция нормаларининг қонунчилигимиздаги имплементацияси масалаларига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Мунозараларда сўзга чиққан ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари юқоридаги масалалар юзасидан ўз фикр- мулоҳазаларини билдиришди.

**(Ўз мухбиримиз)**

